## ҲАМИД ОЛИМЖОННИНГ 80 ЙИЛЛИГИ

# УЧ ШЕЪР ТАРИХИ

1943 ЙИЛ. Улуғ Ватан урушининг энг оғир кунлари. Мен Тошкентда Ўрта Осиё дорилфунунида ўқиш билан бирга Тошкентга кўчириб келтирилган Чкалов номидаги самолётсозлик заводининг техника назорати бўлимида ишлайман. Шу заводнинг илғор ходими сифатида фронтдаги жангчиларимизга ўзбек халқидан озиқ-овқат, совға-саломлар олиб борган делегация сафида Совет Иттифоқи Маршали Рокасовский қўмондонлик қилган марказий фронтга борганман. Делегацияга ўша вақтда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг иккинчи котиби Николай Андреевич Ломакин бошчилик қиларди. Делегация сафида шоир Ҳамид Олимжон ҳам бор эди.

Ҳамид Олимжоннинг ана шу сафарда ёзган «Россия», «Шинель», «Қамал қилинган шаҳар устидаги ой» каби шеърларининг яратилиш жараёнига ўшанда гувоҳ бўлганман.

Бизнинг совға ортган эшелонимиз Россиянинг бепоён саҳроларидан, шаҳар ва қишлоқларидан ўтиб, тобора фронтнинг олдинги марраларига қараб интилиб борарди. Яқингинада қақшатқич жанглар бўлиб ўтган далалар, ёниб кетган ўрмонлар, вайрон этилган қишлоқлар ва шаҳарлар, мажақланган танклар, тўнкарилиб ётган тўплар, замбараклар ортимизда қолар, ерда юмалаб ётган фашист аскарларининг каскалари офтобда ялтирар, мурдалар устида қузғунлар тўп-тўп учиб юрарди.

Ҳамид Олимжон жанг бўлиб ўтган майдонларни кўриб борар, бу даҳшатли манзаралар шоир қалбини ўртар, чуқур ўйлар, мулоҳазалар уйғотарди:

**Сенинг кўз илғамас майдонларингда,**
**Жаҳаннам қўрқажак жангларни кўрдим.**
**Бир карра ёв ўтган ўрмонларингда,**
**Кўмирдан ҳам қора тонгларни кўрдим.**

Ҳамид Олимжон тафаккурида, унинг руҳиятида қандайдир сирли кечинмалар кечар, баъзан у турган жойида ўйга чўмиб қоларди. У атрофидаги муҳитни кўрмаётгандек, сезмаётгандек, қандайдир нуқтага ўзига хос қуш қараш қилиб тикиларди. Мен шоир юрагида чуқур ички кечинмалар бўрони жўш ураётганини сезиб турардим. Озми-кўпми шеъриятдан хабарим бўлгани учун шоир вужудида нималар кечаётганини ҳис қилардим.

Бир кун ярим кечада чўчиб уйғониб кетдим. Ташқарида Россия қишининг кучли бўрони увилларди. Бўрон аллақаердан қор барханларини супуриб келиб, вагон деразаларига урарди.

Биз Ҳамид Олимжон билан вагоннинг ёнма-ён хонасида борардик. Тун. Ҳамма ширин уйқуда эди. Бирдан Ҳамид Олимжон ётган хонадан овоз эшитилди. Диққат билан қулоқ солдим. У «Россия, Россия азамат ўлка», деган сўзларни қайта-қайта такрорлардида, кейин яна жим қоларди. Бироз ўтгач яна ўша сўзлар такрорланарди. Орага жимлик чўкди. Сўнг яна унинг овозини эшитдим. Энди у қандайдир шоирона завқ билан қуйидаги мисраларни такрорларди:

**Россия, Россия, азамат ўлка,**
**Эй осмон сингари бепоён Ватан!**
**Тўлдирган чоғда ҳам жаҳонни нурга,**
**Қуёш куча олмас сени дафъатан.**

Ҳамид Олимжон Россиянинг нақадар бепоёнлигини ҳеч нима билан қиёс этолмайди. Уни нимага ўхшатиш мумкинлигини излайди. Уни ҳатто қуёш ҳам, яшин ҳам дафъатан кучолмаслигини, поездлар ҳам йўл юравериб ҳолдан тойишини, лочинлар ҳам учганда толиқиб қолишини, ҳатто узун дарёлар ҳам белига камар бўлолмаслигини идрок этади. Ҳамид Олимжон Россия жуғрофий харитасининг бадиий образини яратади.

**Шамолдан тез учган поездлар ҳам то**
**Шимолга етгунча кетади ҳолдан.**
**Қишда ҳам Жанубга етолмас ҳатто,**
**Баҳорда йўл олган сайёҳ шимолдан.**

Шоирнинг сафардаги кузатишлари энди жуғрофий тасаввурдан чуқур фалсафий мушоҳадаларга ўтади. Россиянинг қаҳратон қиши душманларига қаҳру ғазабидир, дейди у. Жасур ўғиллари Россия қишининг қор ва бўронларида, жаҳаннам қўрқажак жангларда жаҳон тақдирига нажот излаётганларини шоир ўз кўзи билан кўради ва ниҳоят, Россиянинг енгишига имон келтиради.

**Йигитлар сен учун жангга кирганда,**
**Ботирлар осмонда берганида жон.**
**Кўзидан қон оққан ёвни кўрганда,**
**Сенинг енгишингга келтирдим имон.**

Ҳамид Олимжон шеърни маҳорат билан ўқирди. Товуш оҳангида мусиқийлик сезилиб турарди. Айниқса, шеърнинг асосий мазмунини очиб берувчи сатрларга, образларга алоҳида урғу берарди, қофия ва радифларга жарангдор сўз топишга ҳаракат қиларди.

ФРОНТГА САФАРИМИЗ қаҳратон қиш фаслига тўғри келгани учун ҳар биримиз иссиқ кийиниб олган эдик. Кимдир қалин пальтода, кимдир пўстинда. Ҳамид Олимжоннинг эгнида кул ранг шинель, оёғида аскарча кўн этик, бошида эса оддий телпак. У ўзининг кийимлари билан ҳарбий жангчидек бизлардан ажралиб турарди. Мен шоирнинг бундай кийинганига ҳайрон бўлардим. Кейинчалик ўйлаб, балки у фақат ички дунёси билангина эмас, ташқи кўриниши жиҳатидан ҳам жангчи аскар қиёфасига киришни истагандир, деган фикрга бордим.

Бир куни фавқулодда ҳодиса рўй берди. Эшелонимиз Касторная станциясида тўхтади. Оқшом. Эшелонимизни қўриқлаб борган ҳарбий кишилар бизни тезда вагондан олиб чиқиб, темир йўл станциясидан узоққа олиб кетдилар. Биз бел баравар қор барханларини ёриб юриб борардик. Ниҳоят, қандайдир тепалик ортидаги жарликка олиб тушдилар. Шу ерда ҳаво жанги тугагунча беркиниб туришни илтимос қилдилар.

Орадан бир соат ўтар-ўтмас қоронғу тушиши билан фашист самолётлари станцияни бомбардимон қила бошлади. Бахтимизга улар станцияни аниқ мўлжалга ололмасдилар. Бирдан осмонни прожектор нурлари қоплаб олди. Улар душман самолётларини ахтарарди. Бирдан бизнинг зенитчилар тўрт тарафдан уларни ўққа тута бошлади. Аллақаердан бизнинг ҳарбий самолётларимиз етиб келди. Даҳшатли қирғинбарот ҳаво жанги бошланди. Миссершмидтлар бу ғала-ғовурда темир йўл бекатини аниқ мўлжалга ололмай, пала-партиш бомба ташларди. Ердан осмонга вулқондек олов кўтарилар, унинг зарбидан ер у кўк зирқирарди. Жанг узоқ давом этмади. Душман самолётлари зенитчиларимизга чидаш беролмай орқага қочди. Оғир сукунат чўкди. Биз қорда ётардик. Гумбурлаган садолардан қулоқларимиз шу қадар том битиб қолган эдики, ҳатто ёнма-ён ётган бўлсак-да, бир-бировимизнинг овозимизни эшитмасдик.



СУРАТДА: Ҳамид Олимжон фронтда

Орадан анча вақт ўтгач, ҳалиги кишилар бизни вагонларга олиб бордилар. Вагонга кирганимиздагина кийимларимиз жиқ ҳўл бўлиб, баданимизгача нам ўтиб кетганини сездик. Ҳамид Олимжон устидаги шинелини ечиб, вагон даҳлизидаги қозиққа илиб қўйди.

Буни кўрган Ломакин:

— Ҳамиджон, шинель кийиб келиб жуда тўғри қилган экансиз, — деди.

Ҳамид Олимжон ўзига хос илиқ табассум билан жавоб берди:

— «Ёз ёпинчиғингни қўйма, қишда ўзинг биласан», деган мақол бор халқимизда. Мен шу пайтгача шинелни сира кийиб кўрмаган эканман. Ажойиб либос экан. Ҳар қандай поча пўстиндан ҳам иссиқ. Белдан камар боғлаб олганингиздан кейин айниқса бағрингизни иссиқ тутаркан. Ҳали қорда худди кигиз устида ётгандай бўлдим. Буни қаранг, сира ҳам нам ўтказмабди.

Орадан бир кун ўтар-ўтмас Ҳамид Олимжон «Шинель» шеърини ўқиб берди. Мен ўтган кунги шинель ҳақидаги суҳбатимизни эсладим.

Халқ термалари услубидаги енгил ва равон ёзилган бу шеър уруш давридаги ички кечинмаларни тасвирласа ҳам нозик ва нафис лирик кайфият билан суғорилган. Шеър жуда оддий мисраларда шинелга мурожаат билан бошланади:

**Рангинг тупроққа ўхшар,**
**Сен ўхшайсан кигизга.**
**Бормасдим сени кийиб**
**Ёрим бўлажак қизга.**
**Марғилонда тўқилган**
**Йўл-йўл шоҳи беқасам,**
**Минг марта яхши эди,**
**Ичмаганимда қасам.**
**Лекин сени устимга**
**Катта бир ғам кийгизди,**
**Синглим, қариндошларим,**
**Отам, онам кийгизди...**

Шоир шинель билан беқасам тўнни таққослайди. Тўн осойишта йилларнинг фароғатли шодиёна кунлари, байрамлар, сайллар, тўйлар, ёр ва висол онларининг рамзи бўлса, шинель халқ бошига тушган уруш кулфат, ватан мудофааси учун озодлик ва адолат учун кураш олиб борилаётган қонли жанглар рамзи сифатида тасвирланади.

**Тошга бош қўйганимда**
**Ёстиқ каби туюлдинг.**
**Ботқоқда ётганимда,**
**Гўё тўшакдек бўлдинг.**
**Сени кийгач йўл олдим**
**Қонли жанг бўлган ёққа,**
**Тушдим ёшлигим ўтган**
**Дарёлардан йироққа.**

Бир куни биз вагон ичида турардик. Ломакин Ҳамид Олимжон ва мен. Тун. Биздан 20 километр наридаги Елецни фашистлар бомбардимон қилмоқда. Кайфиятимиз ёмон. Оғир сукунат юракларни эзарди. Афсуски, Елец устида ой чарақлаб турибди, юлдузлар ёнмоқда. Ҳаммаёқ оппоқ ойдин. Николай Андреевич вагон деразасидан қараб тураркан:

— Ҳамид, сиз шоирлар ой чиқиб, юлдузлар чарақлаб турган ойдин кечаларни севасиз. Бу гўзал манзаралар ҳақида ажойиб лирик шеърлар ёзасиз. Қаранг, ана шу ойдин кеча фашистга хизмат қилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизда чироқлар ўчириб қўйилган бўлса ҳам ой чиқиб шаҳарни худди кундуздек ёритиб турибди, — деди.

Биз эшелондаги махсус вагоннинг овқатланадиган хонасида турардик. Баъзан дераза пардасини охиста кўтариб Елец шаҳри томонга кўз тикардик. Қоқ ярим кеча. Фашист миссершмидтлари шаҳарнинг тепасига калхатдек ёпирилиб, тинимсиз бомбардимон қиларди. Ёнаётган заводлар, фабрикалардан чиққан ўт осмону фалакка кўтариларди. Биз турган бекат билан Елец ўртасида анчагина масофа бўлса-да, атрофимиз бепоён бўшлиқ эди, шу боис Елецнинг жаҳаннам оловида ёнаётганини яққол кўриб турардик.

— Фашистлар нима учун тунда ҳужум қиладилар, — деб қолди Ҳамид Олимжон.

— Тун душман учун энг қулай фурсат. Биринчидан, шаҳар ширин уйқуда ётганда ғафлатда қолдирмоқчи бўлади, иккинчидан, ойдин кеча — шаҳарнинг ҳамма ерида чироқлар ўчириб қўйилган бўлса ҳам худди аксига олгандек ой ҳамма ёқни сутдек ёритиб турибди.

— Ҳа, ҳозир ой бизга эмас, фашистларга хизмат қилмоқда.

— Кўрдингизми, — деб жилмайиб қўйди Ломакин. — Сиз шоирлар шеърларда ойдин кечаларни тараннум этасизлар. Ойдин кечани севги ва муҳаббат кечаси, дарёлар бўйида, шинам боғлар қучоғида ёр билан учрашув, тонггача висол оғушида сайр қилиб юриш онлари, деб куйлардингиз. Мана кўрдингизми, ой ҳозир бутун бошли бир шаҳарни ёритиб турибди. Бу фашистларга жуда қўл келаяпти.

Ҳамид Олимжон жим бўлиб қолди. Ўртага оғир сукунат чўкди. Қандайдир кўнгил ғашлик, ачиниш, изтироб дилимизни эзарди. Ҳаётда баъзан шундай дақиқалар содир бўладики, инсон уни идрок этолмай қийналади. Айни пайтда шундай ҳолат кечмоқда эди, шоир қалбида...

ЭРТАЛАБ НОНУШТАДАН сўнг Ҳамид Олимжон «Қамал қилинган шаҳар уситдаги ой» шеърини ўқиб берди.

**Гўзал ой сенга бир гап**
**Демакка кўп ҳайронман.**
**Бемаҳал тўлганингдан**
**Тоза ҳам пушаймонман.**
**Шаҳримизни ёритиб**
**Қилганда ёвга ошкор.**
**Кўзимизга гўёки,**
**Бўласан сиртмоғу дор.**
**Кумуш нурларингдан**
**Тўкилар қора хатлар**
**Шу замон тепамизда**
**Уча бошлар калхатлар.**

Шоир халқ оғзаки ижодига яқин оддий шеърий услубини танлайди. Уни худди ой билан мулоқот қилаётгандек тасвир этади.

Ҳамид Олимжон шеърни ўқиб бўлгач, сўнг Ломакинга сатрма-сатр рус тилига таржима қилиб берди.

— Сиз урушнинг кечагина биз гувоҳи бўлган даҳшатли манзарасини, ҳаётнинг худди ўзгинасини қаламга олибсиз. Илҳом дегани шу бўлса керак-да.

— Ҳа, аслида сиз илҳом бердингиз. Бемаҳал чиққан ой ва ойдин кеча ҳақидаги кечаги суҳбатимиз шу шеърнинг туғилишига сабабчи бўлди.

— Шундай катта бир шеърни бир кечада ёздингизми?

Ҳамид Олимжон кулди:

— Шоир ҳам тўлғоқ тутган аёлга ўхшайди. Шеър унинг фарзанди. Шеърнинг туғилиш фурсати — вақт-соати етдими, уни тўхтатиб бўлмайди. Тўлғоқ тутгандек шоирнинг бутун вужудини ларзага соладию мисралар кетидан мисралар қуйилиб келаверади.

Шеърда, уруш туфайли халқимиз бошига тушган оғир кулфат қуйма мисраларда ўз аксини топганди.

**Бир нафас ҳам ором йўқ**
**Ҳаттоки қурту қушда,**
**Қизлар эрга чиқмайди**
**Эрлар бўлак ташвишда.**

Ойга мурожаат сифатида талқин этилган бу шеърда тинчлик ва уруш йиллари бир-бирига таққосланади. Мен яратилганига гувоҳ бўлганим — ҳар учала шеърни ўқиганимда атоқли шоиримиз Ҳамид Олимжон билан ҳамроҳликда ўтган фронт йўллари таассуроти хотирамда қайта жонланади.

**Убай БУРҲОН,**
**СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби**

# МЕҲРИ ДАРЁ АДИБ

Умрнинг ўтишини қаранг. Куни кеча эди, Ҳаким аканинг эллик йиллигини нишонлаганимиз. Ўшанда сўз заргари — Абдулла ака элликвойни қутлаб мана бундай деган эди: «Ҳаким Назир Ёзувчилар уюшмасининг тоза ҳаво кирадиган туйнуги. У бор экан, бу бинода ҳаво алмашиб туради. Йўғида димиқиб кетади...» Ҳаким ака унда уюшма деб аталмиш даргоҳда адабий маслаҳатчи бўлиб ишларди.



Абдулла ака ҳаёт бўлганида бугунликда димиққан ҳавомизни кўриб, билмадим, нима дерди... Лекин, имон келтириб айтаманки, Ҳаким Назир ҳақидаги ўша дил сўзларини яна такрорлаган бўларди. Буни эслатишимдан мақсад, ўша Абдулла Қаҳҳор билган, билмаган қаламкашларнинг кўпи ҳали жамият бозор иқтисодиёти нималиги ҳақида бош қотирмасдан илгарироқ от чоптириб, бозоргир сўзлар топишга шошилдилар. Тепадагиларнинг қовоқ-димоғига қараб иш тутдилар. Ур деса, уриб бердилар...

Чамамда ана энди сирли пардалар очилмоқда. Албатта, бу давр тақозоси. Чунки, кимнинг кимлиги кун сайин аниқ ошкор бўлмоқда. Кеча эътиқод қўйганинг бугун ҳафсалангни пир қилмоқда.

Ана шу маънода Ҳаким ака гаплашадиган халқ ёзувчиларидан. Эсимда, Ҳаким Назир билан танишгандим. Унда, мен ҳали ўқувчи эдим. Ўттиз бир йил олдин Ҳаким Назир кўп қалам аҳли қатори Бухорога, аниқроғи, газчилар шаҳрига йўл олганди. Ният, албатта, замонавий мавзуда бир асар ёзиш. Мен у кишини раҳматли Тошпўлат Ҳамиднинг мўъжазгина хонасида учратдим. Тошпўлат ака вилоят ёзувчиларининг бошлиғи эди. Акамиз Ҳаким Назирга мени таништирди. Сўнгра Омон Мухтор билан мен ҳақимда сўз юритиб, «иккита суянадиган укам адабиётга кириб келаяпти» деди. Ҳаким ака мендан у-буни сўраб, билган нарсангиз ҳақида ёзинг деб қўйди.

Ҳаким Назир газчилар орасида бўлиб қайтгач, хабарингиз бор, «Газқайнар достони» номи билан очерклар тўпламини битди. Болалар учун «Ёнар дарё» қиссасини яратди. Булар менинг гувоҳ бўлганим. Кейинчароқ рўзнома, нашриётда ишлаган пайтимда Ҳаким ака билан тез-тез учрашиб турдим. У кишининг беш жилдли асарларини чоп этилишида озми-кўпми хизматим сингди. Мана шу йиллар орасида билганим шу бўлдики, Ҳаким Назир дегани асл маънодаги болалар ёзувчиси, фариштали одам экан. Турланишлар ҳақида бекорга сўз очганим йўқ. Негаки, биз бир-биримизни ғажиб ташлашга тайёр турган пайтлар бўлганда ҳам бу зот иложи борича ҳар биримизга инсоф тилайди. Ғийбат, худбинлардан узоқроқ туришга чақиради. Асосийси, Ҳаким ака шу ёшга кириб, бирорта ҳамқалам дўсти ҳақида салбий, ножўя фикр билдирганини эшитмаганман. Борди-ю, ўзинг бошлаб берсанг, у киши ўзини эшитмаганга солади. Ана шунда ё пушаймон бўласан, ё жағингни толишдан асраб қолишга шошасан.

Сир бўлса ҳам айтақолай. Ҳаким акани андак-мундак гап билан ишонтириш қийин. Нега десангиз, баъзиларни биламан, унвон ёки даражага тавсия қилинган кундан бошлаб, ўзларини ажабтовур тутишади. Биз шунга лойиқмиз дейишгача бориб етади. Ҳаким ака эса, хушхабар олиб борган пайтимда ҳам, қўй бу гапларни, деб, иложи борича ўзини ишонтирмасликка уринганларини кўп кўрганман.

Сўзимни устоз Абдулла Қаҳҳорнинг таърифидан бошлагандим. Келинг, улуғнинг сўзи билан якунлаб қўя қолай. Чорак аср муқаддам Абдулла ака Ҳаким Назир ҳақида айтатуриб, «Ҳакимжон ўзбек болаларининг севимли ёзувчиси, ҳақиқий тарбиячиси, агар уни истаган унвонга тавсия қилиб, ота-оналар билиб қўйинглар, болаларингизни ана шу одам асарлари билан тарбиялаяпти десангиз, барча баравар берилсин деб қўл кўтаради» деб башорат қилганди. Ўша башорат амалга ошди. Қутлуғ ёшга қадам қўйган адиб бир ёзувчи эришмоқчи бўлган мартабага эришди. Бунинг барчаси ҳалоллиги, заҳматкашлиги, каттаю кичикка бўлган меҳри дарёлиги туфайли амалга ошди. Бундай хислатлар ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бунинг учун юракда худо берган нур ҳам бўлиши керак. Худо бехабарлар эса, тўлиб-тошиб ётибди...

**Сафар БАРНОЕВ**

Ҳаким НАЗИР

# УСТОЗНИ ЁДЛАБ

ЎЗИМНИ БИР кўринмас куч сеҳри остида яшаётгандай сезаман. Шу куч гўё фикр-ўйим, шуурим, руҳимга билинмас таъсир кўрсатиб, мадад, қувват ато этиб тургандай. Баъзан карахт тортиб, боши берк кўчаларга кириб қолганимда, мени одил йўлга солиб юборувчи ҳам ўша кучдир. Бу куч марҳум устозларнинг ўчмас чироғи. Ҳа, мен ўша улуғ зотлар сиймоси қошида ўзимни ҳамиша қарздордай ҳис этаман.

«Ўзларидан сўрасак» — бу ибора эсланиши биланоқ, ёқимтой чеҳрасидан нур ёғилиб турган, мулойим табиатли, ширинсухан, ҳазил-мутойибага мойил, хушсурат бир инсон — домла Шайхзода кўз олдимда намоён бўлади. Уруш олди йиллари Тошкент педагогика институтининг кечки бўлимида таҳсил кўрганимда, тўғриси, муаллимлардан омад келганди. Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Сулаймон, Ҳоди Зарифов, Ҳомил Ёқубов, Сиддиқ Ражабов, Мурод Шамсий... Ҳар бирлари бир олам — фақат ўз соҳаларининг улкан билимдонлари, доно мураббийлар бўлиб қолмай, маданиятимизнинг ёрқин юлдузлари эди. Ўша йиллари институтнинг кундузги ва кечки бўлимларини битирганлар орасидан кўплаб ижодкорлар (Зафар Диёр, Шуҳрат, Туроб Тўла, Шукурулло, Ўткир Рашид, Мирмуҳсин, Ҳамид Ғулом, Раҳмат Файзий, Рамз Бобожон, Восит Саъдулла, Ёнғин Мирзо, Султон Акбарий, Маҳмудали Юнусов, Тўхтасин Жалолов, Иноят Махсумов, Хибзиддин Муҳаммадхонов, Аҳмад Алиев, Маҳмуд Муродов, Неъмат Тошпўлат ва бошқалар) етишиб чиққани бежиз эмас...

Устозлар орасида ақл-заковатининг теранлиги, файласуфлиги, донишмандлиги ички маданияти-маънавиятининг бойлиги билан биз, студентларни мафтун этганлардан бири Шайхзода эди. Унда шоирлик ва олимлик, устозлик ва одамохунлик бир-бирига пайванд бўлиб кетганди. Унинг дарсларини худди байрамдек қизиқиш ва ичиқиш билан кутиб олардик, озарбойжонча ёқимли оҳангда янгровчи лекция ва суҳбатларини жон деб тинглардик. Устозимиз сўз билан англатиб бўлмайдиган ижод ва нафосат олами сирларини кўз ўнгимизда тирилтириш, зеҳнимизга жо этишда жозибадор кучга эга эди.

Кечки бўлимда ўқийдиганларнинг аксарияти мактаб муаллимлари эди. Шу учунми домла биз билан ғоят яқин эди. Агар баъзилар уни «домла», «устоз» деб улуғласалар, у киши малол чеккандай ўнғайсизланарди. Ахир ёши ҳам эндигина ўттизга яқинлашган йигит эдида. Уни ўз раъйига кўра оддийгина қилиб «Шайх ака» дейдиган бўлдик.

Баъзи талабалар кундузги ишларидан ҳориб келганлари учунми, Шайх аканинг дарсини тинглаб бўлгач, секин қуён бўлишарди. Буни институт раҳбарлари сезиб қолишди. Кетиб қолувчиларни қуруқ огоҳлантириш билан иш битмади. Шундан сўнг бир «тадбир» ўйлаб топишди. Шайх аканинг ўзи билан келишиб, унинг дарсини сўнгги соатларга қўядиган бўлишди. Ҳар ҳолда бу «тадбир» аҳволни яхшилашга олиб келганди.

Курсдошларнинг кўпи Шайх ака тенгдош йигитлар эди. Фақат икки-учтаси қирқ ёшларга бориб қолганди. Шайх ака ҳам уларга «оқсоқоллар» деб алоҳида эҳтиром кўрсатарди. Ана шулардан биттаси шаҳар чеккасидан пиёда йўл босиб келарди. Дарсда мудраб ўтирган вақтларини кўрардик. Бир куни Шайх ака Фарҳод-Шириннинг муҳаббатларини жўшиб-қайнаб сўзлаётганда, бирдан овози пасайиб, стулга ўтириб олди. Биз чўчиб:

—Нима бўлди, мазангиз қочдими? — деб сўрасак, Шайх ака одатдагича босиқлик билан:

— Мазам жойида, фақат, «оқсоқол»нинг оромларини бузгим келмади-да, — деб энг охириги қаторга имо қилди.

Биз орқага ўгирилиб қарасак, «оқсоқол»лардан бири бошини деворга суяб пинакка кетган экан. Унинг яқинидаги талаба:

— Қойил! — деб юборди қаттиқ овозда.

«Оқсоқол» чўчиб уйғонди. Ҳамманинг кўзи ўзига ўқдай қадалганидан қаттиқ мулзам чекиб кетди:

— Э, кечирасизлар, Узр, домлажон!..

Шайх ака «оқсоқол» уёқда қолиб, унинг ширин уйқусини бузган талабага танбеҳ берди:

— Чакки безовта қилдингиз-да, иним. Ёшингиз нечада?

Студент кутилмаган саволдан довдираб минғирлади:

— Йигирма етти...

— Жужуқлар борми?

— Учта...

— Э, яшасинлар, умрлари узоқ бўлсин. Боқиш қийин эмасми жужуқларни?

— Нима десам экан? Энди, домлажон, осон бўлаётгани йўқ.

— Ташаккур, очиқ иқрор этганлари учун. Биласизми, «оқсоқол»да неча бола? — Шайх ака ўзи жавоб берди. — Еттита. Икки мактабда ишлаб, чарчаган.

«Оқсоқол» яна кечирим сўрашга оғиз жуфтлаганди. Шайх ака енгилгина ҳазил қотди:

— Кечиришимиз мумкин, фақат битта шарт билан. Яъни, ўзингиз кўп тиришқоқ одамсиз, имтиҳон чоғи бизни уялтириб қўймасангиз бўлгани...

Шайх аканинг эсимда сақланиб қолган яна бир яхши одати ёш ижодкорларга ғамхўрлиги эди. Дарсдан ташқари вақтлари — йўлакдами, ҳовлидами, буфетдами — уни ҳамиша ҳаваскор қаламкашлар қуршовида кўрардингиз: биримиз ёзган ҳикоя, шеърларимизни ўқиб берган, айримларимиз ёзмоқчи бўлган нарсаларимиз, ёки ўқиган китобларимиз ҳақида фикр сўраган. Шайх ака бўлса, бошқа ҳеч қанақа иши йўқдай, бемалол тинглар, эшитганлари хусусида тўла-тўкис мулоҳазаларини билдириб қаноатлантирарди.

Шайх ака билан кўп учрашганман, кўп суҳбатдош бўлганман. Лекин 1966 йилнинг ёзида Дўрмондаги Ижод уйидаги учрашувимиз ҳеч эсимдан чиқмайди. Бир гуруҳ ёзувчилар бу ерда ижодий иш билан машғулмиз. Даврабошимиз — Шайх ака. Энди у кишининг ҳаракатлари ва чеҳраларига кексалик излари соя ташлагандай. Сиҳатлари ҳам мақтагудай эмасди. Шунга қарамасдан у кишида ижодга бўлган иштиёқ алангаси асти совумаганди. Чинор остида эрталабдан столга муқ тушганча қадимий китоблар ва қўлёзмаларга кўмилиб ўтирар, фақат тушликка таклиф этишгандагина, ўшанда ҳамноилож, ишдан бош кўтарарди. (Шу кезларда Шайх ака Навоий ижодига бағишланган «Ғазал мулкининг султони» мавзусидаги жуда муҳим йирик тадқиқотини битириш ҳаракатида эди). Бу билан мен Шайх ака нуқул ишга берилиб, атрофдагилардан ажралиб қолганди, демоқчи эмасман. Асло! Шайх ака қанчалик ўз ўй-хаёлларига шўнғиган бўлмасин, атрофдагилар билан ҳол-аҳвол сўрашиш, хоҳ илмий-ижодий баҳсларга, хоҳ маиший ҳангомаларга аралашишдан эринмасди. Руҳий бардамлик, вақти хушлик кайфиятини одамларга юқтира билиш, ўзи қўшилишган даврада самимий дўстона муҳит ярата олишдай бир хислат тарк этмасди уни.

ШАЙХ АКА институтда муаллимлик қилган чоғларидан ўз қалбига ўрнашган мураббийлик фазилатини тўла сақлаган эди. Боғда бўлган бир ойлик вақтимизда бу нарса яққол кўринди. Очиғи, ижод боғида Шайхзода раҳбарлигида гўё Ёзувчилар уюшмаси «кўчма секцияси» вужудга келгандай эди. Шайх ака ҳар қайсимизнинг у ерда нима иш қилаётганимизни сўраб билиб турарди. Кимнинг асари битса, уни ўртага қўйиб ўқитар, муҳокамасини ўтказарди. Дастлаб Мамарасул Бобоевнинг «Шабада ва япроқлар» туркум шеърлари ўртага тушди. Ҳаммамиз ўз фикримизни айтдик. Шайх ака муҳокамага якун ясаркан, шеъриятимизда яхши бир янгилик пайдо бўлгани билан муаллифни қутлади. Орадан бир ҳафтача ўтгач, Туроб Тўланинг янги қўшиқлари, Толиб Йўлдошевнинг болаларга аталган қувноқ шеърлари билан танишдик. Шундан сўнг, бир куни нонуштага тўпланганимизда Шайх ака «Бугун, дўстлар, тушлик кучи билан Назир ўғли бизга ўз асарларини таништиради», деб эълон қилди. Мен ўша йилги даҳшатли Тошкент зилзиласига бағишлаб туркум ҳикоялар ёзган эдим. Гарчи ҳикояларни ўқиб чиқиш ҳийла фурсатни олган бўлса-да, Шайх ака ҳеч оғирсинмай диққат-эътибор билан тинглади. Ҳамроҳларимнинг фикрларини ҳам сўраб олди. Сўнг фикрларни жамлаб, ўз мулоҳазаларини ниҳоятда нозик қилиб қисқача изҳор этди. Унинг ҳар сўзи аниқлиги, нишонга тўғри бориб тегиши билан ажралиб турарди. Сўзларига зеҳн билан қулоқ солиб ўтирган Бобоев мийиғида кулиб: «Домла дейман, ҳеч озор бермайдиган қилиб, юмшоқ гапиришга устасизда. Танқидингиз ҳам мақтовдек туюлади», дегани ёдимдан чиқмайди.

Севимли устозимизнинг ҳикматлар тўла маслаҳатлари ўша ҳикояларимни нашрга тайёрлашда, бошқа асарларимни ишлаш асносида қулоғим остида жаранглаб турди...



Абдулла ШЕР

## ВАТАН ФАРЁДИ

Аристонлар қабристонида
Гулдек авлод ётар бекафан.
Занг симларнинг ҳар тиконида
Бағрин йиртиб йиғлайди Ватан:

«Эй бадбахт халқ, чўкка туш, чўкка!
Кичик тортсин буюк андуҳлар:
Жанозасиз учолмай кўкка
Фотиҳа деб тиланар руҳлар!

Руҳлар гадо бўлган заминда
Шоҳлар гадо, шоирлар гадо!
Инсоф адо бўлган заминда
Гадо экан ҳаттоки худо!

Даҳшат экан, даҳшат экан бу:
Кўршапалак кўнса чироққа;
Мунча ёвуз қисмат экан бу:
Руҳ қоришиб кетса тупроққа!» —

Аристонлар қабристонида
Гулдек авлод ётар бекафан.
Занг симларнинг ҳар тиконида
Бағрин йиртиб йиғлайди Ватан.

•

Шеър ёзсанг, сўзларинг қўшиқлар айтса,
Рақсга тушсалар тиниш белгилар:
Афғондан қайтмаган йигитлар қайтса,
Лаблардан жой олса сағир кулгилар.

Шеър ёзсанг, ҳар сатринг бир руҳдек елиб
Ҳар қалбнинг исмини солса ёдига:
Афғондан қайтмаган йигитлар келиб
Ўзлари от қўйса ўз зурёдига.

Шеър ёзсанг, ҳар шеъринг эркни шарафлаб
Тун бўйи майсага шабнамдек қўнса:
Афғондан қайтмаган йигитлар чақнаб,
Қабрлар юлдузи — беш юлдуз сўнса!..

•

Кулранг ҳавода чўғдек қизара бошлар
Шафтолининг бадани;
Оҳиста шивирлайди ҳаттоки тошлар
Ёмғирни таниб;

Сўнгги қор ўзи сезмай эрий бошлар маст
Бойчечакнинг куйидан:
Тўрт пахса деворлар ҳам бирдан бўлар паст
Қўшни қизнинг бўйидан;

Бир ширин керишади дунё ишқаб кўз —
Андак шўх, андак толғин;
Руҳимни чорлаб келар тонгдан Янги сўз
Қуёшдек сочиб ёлқин —

Баҳордан бир кун олдин,
Баҳордан бир кун олдин!

## ТУНГИ СУҲБАТ

— Шивирлама, ёмғир, шивирлама,
Хаёлимда қасдинг борми, айт?
Шивирлама, ёмғир, шивирлама,
Кипригимда расминг борми, айт?
Шивирлама, ёмғир, шивирлама,
Сўзларингни тушунтириб бер.
— Минғирлама, одам, минғирлама,
Шивирлаган мен эмас-ку: Ер!

## ШОИРНИНГ ЎЛИМИ

Йўқ тирсакдан ўсиб чиққан қўл
Ёр сочини силайди тушда.
Ватанининг бор дарди бир йўл
Жо бўлади жисми йўқ муштда.

Йўқ тавон ҳам тушга киради:
Газандани эзар йўлакда.
Шу пайт замон ханжар уради:
«Жиз» этади ўлим куракда.

## АСТРОБОД

Гарчанд харитада номи йўқ бугун,
Лекин тарихларда бўғиқ жаранглар:
Замон Алишери пайдо бўлган кун
Қайтадан туғилар доим, қаранглар!

## РУБОИЙЛАР

Мен дилни поралаб ўтиб бораман,
Мен қоғоз қоралаб ўтиб бораман.
Қаламим асога айланар аста,
Мен дунё оралаб ўтиб бораман.

•

Қоқилдим йўлларда, йўлимда эмас,
Дардларим илдизда, гулимда эмас.
Соатни билакка боғлаб аввал шод,
Сўнг билдим: Вақт менинг қўлимда эмас.

•

Мил тортмоқ анъана — кўзни ўйдилар,
Рудакий бўлдинг деб ҳайкал қўйдилар.
Лаблар — тош, тил ҳам — тош, умр — сукутдир:
Фикрни пичоқлаб, сўзни сўйдилар.

